



ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТИК-РЕКРИАЦИОН РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА ДИНАМИКАСИ ТАҲЛИЛИ

Исломова Фарида

Халқаро Нордик университети

ORCID: 0009-0004-6881-7786

farida.islomova1@gmail.com

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда туристик-рекреацион ресурслардан самарали фойдаланиш масаласи, унинг туризм соҳаси иқтисодий самарадорлиги ва мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улушига таъсири таҳлил қилинган. Илмий адабиётлар шарҳи асосида рекреацион ресурсларни бошқаришнинг турли назарий ёндашувлари ўрганилди. Давлат статистика қўмитаси, Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотлари асосида 2019–2024 йиллар статистик кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари пандемия йилларида ресурслардан фойдаланиш кескин пасайганини ва 2022–2023 йилларда инфратузилма кенгайиши ва туристлар сонининг кўпайиши натижасида туризмнинг иқтисодий аҳамияти ортди ва ЯИМдаги улуш 5,5 фоизга етди. Ушбу натижалар туристик-рекреацион ресурслардан самарали фойдаланиш туризм соҳасининг барқарор ривожланиши ва иқтисодий салоҳиятини оширишда ҳал қилувчи омил эканини тасдиқлади.

Калит сўзлар: туризм, туристик-рекреацион ресурслар, иқтисодий самарадорлик, ялпи ички маҳсулот, инфратузилма, ички туризм, барқарор туризм, инвестиция жозибadorлиги.

АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ И ДИНАМИКИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТУРИСТСКО-РЕКРЕАЦИОННЫХ РЕСУРСОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Исламова Фарида

Международный университет Нордик

Аннотация. В статье рассмотрен вопрос эффективного использования туристско-рекреационных ресурсов в Узбекистане, а также его влияние на экономическую эффективность туристской отрасли и долю в валовом внутреннем продукте страны. На основе анализа научной литературы изучены различные теоретические подходы к управлению рекреационными ресурсами. С использованием данных Государственного комитета по статистике, Министерства туризма и культурного наследия, а также Всемирной туристской организации проведен анализ статистических показателей за 2019–2024 годы. Результаты исследования показали, что в годы пандемии использование ресурсов резко сократилось, однако в 2022–2023 годах в связи с расширением инфраструктуры и ростом числа туристов экономическое значение туризма возросло, а его доля в ВВП достигла 5,5 %. Полученные результаты подтверждают, что эффективное использование туристско-рекреационных ресурсов является ключевым фактором устойчивого развития туристской отрасли и повышения её экономического потенциала.

Ключевые слова: туризм, туристско-рекреационные ресурсы, экономическая эффективность, валовой внутренний продукт, инфраструктура, внутренний туризм, устойчивый туризм, инвестиционная привлекательность.

ANALYSIS OF THE STATE AND DYNAMICS OF TOURISM AND RECREATIONAL RESOURCES UTILIZATION IN UZBEKISTAN

Islamova Farida

Nordik International University

Abstract. *The article examines the issue of effective utilization of tourism and recreational resources in Uzbekistan and its impact on the economic efficiency of the tourism sector as well as the share in the country's Gross Domestic Product (GDP). Based on the review of scientific literature, various theoretical approaches to the management of recreational resources are analyzed. Statistical indicators for 2019–2024 were studied using data from the State Committee on Statistics, the Ministry of Tourism and Cultural Heritage, and the World Tourism Organization (UNWTO). The results of the research demonstrate that during the pandemic years the use of resources sharply declined; however, in 2022–2023, due to the expansion of infrastructure and the increase in the number of tourists, the economic significance of tourism grew and its share in GDP reached 5.5%. These findings confirm that the effective use of tourism and recreational resources is a decisive factor in ensuring the sustainable development of the tourism industry and enhancing its economic potential.*

Keywords: *tourism, tourism and recreational resources, economic efficiency, gross domestic product, infrastructure, domestic tourism, sustainable tourism, investment attractiveness.*

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси бой тарихий меросга, бетақроқ маданий ёдгорликларга ва табиий рекреацион имкониятларга эга мамлакат сифатида жаҳон туризм бозорида тобора муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Мамлакат ҳудудида 8 мингдан ортиқ моддий маданий мерос объектлари, 11 та давлат қўриқхонаси, миллий табиат боғлари ва санаторий-курорт муассасалари мавжуд. Буларнинг барчаси туристик-рекреацион ресурслар сифатида миллий иқтисодийнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучига айланиши мумкин.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда туризмни миллий иқтисодийнинг устувор йўналиши сифатида ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Президент фармон ва қарорларида туризмни тармоқлараро интеграция асосида ривожлантириш, инфратузилмани модернизация қилиш, инвестицияларни жалб этиш ва ички туризмни рағбатлантириш вазифалари белгилаб берилган. Хусусан, “2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегияси”да туризм миллий иқтисодийдаги муҳим тармоқлардан бири сифатида эътироф этилди.

Туризм соҳаси нафақат валюта тушумлари, балки янги иш ўринлари яратиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш ва маданий меросни асраб-авайлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Туристик-рекреацион ресурсларнинг самарали фойдаланилиши мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини оширади, туризм хизматлари экспортини кенгайтиради ва маҳаллий аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади. Ушбу тадқиқотнинг марказий саволи қуйидагича шакллантирилди: “Ўзбекистонда туристик-рекреацион ресурслардан самарали фойдаланиш қандай қилиб туризм соҳасининг иқтисодий самарадорлигини ва мамлакат ЯИМдаги улушини оширади?”

Адабиётлар шарҳи.

Туристик-рекреацион ресурслардан самарали фойдаланиш масаласи жаҳон илмий адабиётида кенг ўрганилган бўлиб, унинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатлари турли тадқиқотларда турлича ёндашувлар асосида таҳлил қилинган.

Халқаро тадқиқотларда рекреация ресурслари миллий иқтисодиётнинг диверсификацияси ва барқарор ўсиши учун муҳим омил сифатида қаралади. Масалан, Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO, 2022) ҳисоботларида қайд этилганидек, туризм хизматлари экспорти кўплаб мамлакатларда нефть ва газдан кейинги йирик валют тушумлари манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Ричард Батлер (Butler, 1999)нинг “туристик дестинациянинг ҳаётий цикли” назариясида ҳудудий ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларнинг чегараланганлигини ҳисобга олиш зарурлиги таъкидланган. Шу билан бирга, Д.Холл ва С.Пейдж (Hall & Page, 2014) ўз асарларида туризмнинг ҳудудий ривожланиши иқтисодий ва экологик мувозанат асосида кечиши шартлигини таъкидлайдилар.

Миллий тадқиқотларда ҳам ушбу масалага катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармонида туризм соҳаси “иқтисодиётнинг стратегик тармоғи” сифатида белгиланиб, туристик-рекреацион ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш вазифалари қўйилган. Тадқиқотчи А.Абдурахмонов (2020) ўз ишида Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантиришда табиий рекреацион ресурслар, айниқса тоғ ва сув объектларидан самарали фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди. Шунингдек, Б.Рахмонов (2021) Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини модернизация қилиш ва замонавий хизматлар бозорини шакллантириш соҳадаги асосий йўналишлардан бири эканини қайд этади.

Сўнгги йилларда туризмнинг иқтисодий самарадорлиги масаласига доир тадқиқотларда ресурсларни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ҳам алоҳида ўрин эгалламоқда. Жумладан, А.Холиқов (2022) томонидан туризм ресурсларидан фойдаланишда кластерли ёндашув, яъни ҳудудий туристик кластерлар орқали самарадорликка эришиш модели таклиф этилган. Шу билан бирга, халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган “sustainable tourism” (барқарор туризм) концепцияси Ўзбекистон шароитида ҳам татбиқ этилмоқда.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот методологиясида асосий эътибор Ўзбекистонда туристик-рекреацион ресурслардан самарали фойдаланишнинг туризм соҳаси иқтисодий самарадорлигига ва мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушига таъсирини ўрганишга қаратилди. Ушбу мақсадда, аввало, халқаро ва миллий илмий адабиётлар таҳлил қилинди.

Таҳлил жараёнида туризм кўрсаткичларининг йиллар кесимидаги ўзгаришлари динамик усул орқали ўрганилди. Шу билан бирга, пандемия даври (2020 йил) билан тикланиш даври (2022–2023 йиллар) қиёсий таҳлил қилинди. Туристик ресурслар ва туризмнинг ЯИМдаги улуши ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун корреляция таҳлили қўлланилди, шунингдек, регрессия модели орқали ЯИМ улуши ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги муносабат математик жиҳатдан баҳоланди.

Эмпирик таҳлилда 2020 йил пандемия шароитида ресурслардан фойдаланишнинг кескин камайиши натижасида ЯИМ улуши 4,6 фоиздан 3,8 фоизга тушиб кетгани аниқланди. Шунингдек, 2022–2023 йилларда инфратузилманинг кенгайиши ва туристлар сонининг кўпайиши натижасида ЯИМ улуши 5,5 фоизга етгани қайд этилди. Бу ҳолат туристик-рекреацион ресурслардан самарали фойдаланишнинг мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсирини эмпирик равишда тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг чекловлари сифатида айрим йилларда статистик маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги қайд этилса-да, мавжуд рақамлар туризм соҳасидаги умумий тенденцияни баҳолаш имконини берди. Шу билан бирга, ижтимоий ва экологик таъсирлар алоҳида тадқиқотларни талаб қилади, ушбу ишда асосан иқтисодий кўрсаткичлар таҳлиliga эътибор қаратилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикасида 2019–2024 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси қулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган.

Концепцияга мувофиқ туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларини инобатга олган ҳолда, мамлакатнинг барча ҳудудларида туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани ривожлантириш, хусусан:

талабни инобатга олган ҳолда, янги жойлаштириш воситаларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш билан бир қаторда ёндош инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган туризм индустриясини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

меҳмонхоналар ва бошқа туризм инфратузилмаси объектларини қуришга оид лойиҳаларни амалга ошириш механизмларини соддалаштириш, тадбиркорларга ўз хизматларининг сифатини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, жаҳонга машҳур меҳмонхона бизнеси брендларини Ўзбекистонга жалб қилишни рағбатлантириш;

жойлаштириш воситаларини босқичма-босқич ривожлантириш, йирик, ўрта, кичик меҳмонхоналар ва хостеллар қурилишини рағбатлантириш ҳамда мавжуд меҳмонхоналарни реконструкция ва модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

замонавий халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда кўча инфратузилмасини, шу жумладан туризм-рекреация марказларида яратиш.

Туризм соҳаси мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланиб, унинг самарали ривожланиши кўп жиҳатдан мавжуд ресурслардан тўғри фойдаланиш ва туризм инфратузилмасини изчил такомиллаштириш билан боғлиқ. Туристик хизматлар кўламининг кенгайиши, жамоавий жойлаштириш воситалари сонининг ўсиши ва туристик фирмалар фаолиятининг барқарорлиги соҳадаги ислохотлар самарасини ифодалайди. Қуйидаги жадвалда 2019–2024 йилларда туризм соҳаси ривожланишини тавсифловчи айрим ресурс компонентлар динамикаси келтирилган.

1-жадвал

Туризм соҳаси ривожланишини ифодаловчи айрим ресурс компонентлар динамикаси ва унинг ўзгариши, бирлик

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Фаолият кўрсатаётган туристик фирма ва ташкилотлар сони	517	337	288	348	420	486
Туристик фирма ва ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатилганлар сони	942	212,3	577,8	673,7	785,4	889,2
Жамоавий жойлаштириш воситалари объектлари сони (жами)	1560	1650	1653	1877	2075	2286
Жамоавий жойлаштириш воситаларидаги жойлар сони (минг та)	108,3	108	143	121,9	152,4	185,7

Манба: Stat.uz маълумотлари асосида шакллантирилди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фаолият юритаётган туристик фирма ва ташкилотлар сони 2019 йилда 517 та бўлган бўлса, 2020–2021 йилларда пандемия сабаб кескин қисқарган ва 288 тагача тушиб кетган. Кейинчалик бу кўрсаткич изчил тикланиб, 2024 йилга келиб 486 тага етган.

Хизмат кўрсатилган туристлар сони ҳам пандемия йилларида (2020 й.) 212,3 минг кишигача пасайган, аммо кейинги даврда тикланиш тенденцияси кузатилиб, 2024 йилда 889,2 минг кишига етган. Бу эса соҳада талабнинг тикланиши ва хизмат кўламининг кенгайишидан далолат беради.

Жамоавий жойлаштириш воситалари объектлари сони йил сайин ошиб борган: 2019 йилда 1560 та бўлса, 2024 йилга келиб 2286 тага етган. Бу эса туризм инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати ва хусусий ташаббуслар самарасини ифодалайди.

Шунингдек, жойлар сони (минг ўрин) 2019 йилда 108,3 минг бўлган бўлса, пандемиядан кейин айрим йилларда ўзгаришлар кузатилган, аммо умумий тенденция ижобий бўлиб, 2024 йилда 185,7 минг ўринга етган.

Юқорида кўриб чиқилган маълумотлардан маълум бўлдики, 2019–2024 йилларда туризм соҳаси пандемия сабабли кескин пасайишдан кейин изчил тикланиш траекториясига қайтди. Бу жараёнда туризм хизматлари кўламининг ортиши, туристик фирмалар сонининг барқарор ўсиши ва жамоавий жойлаштириш воситалари инфратузилмасининг кенгайиши муҳим омил бўлди. Туризм тармоқларининг ривожланиши фақатгина туристлар оқими ёки инфратузилма ўсиши билан эмас, балки мамлакат иқтисодиётига қўшган ҳиссаси билан ҳам баҳоланади. Шу нуқтаи назардан, қуйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикасида туризм ривожланишининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

2- жадвал

Ўзбекистон Республикасида туризм ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (млрд.сум)


№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2019	2020	2021	2022	2023
1.	Туризм тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат	24742,7	22903,6	31988,2	43426,6	589551 6,4
2.	Мамлакат ичидаги туризмга оид истеъмол	33906,8	7287,6	10297,6	25351,2	32874,8
3.	Туризм тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг мамлакат ЯИМдаги улуши (%)	4,6	3,8	4,3	4,8	5,5

Манба: Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, туризм тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат 2019 йилда 24,7 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йил пандемия таъсирида 22,9 трлн сўмга тушиб кетган. Бироқ кейинги йилларда тикланиш жараёни жадаллашиб, 2022 йилда 43,4 трлн сўмга етган. 2023 йилда эса кўрсаткич кескин ўсиб, 5 895,5 трлн сўмга етгани туризмнинг иқтисодий қиймати ошганини англатади.

Мамлакат ичидаги туризмга оид истеъмол ҳам шунга мос равишда ўзгарган. 2019 йилда 33,9 трлн сўм бўлган бўлса, 2020 йилда кескин пасайиб, 7,3 трлн сўмгача тушган. Кейинчалик ички туризм сектори қайта тикланиб, 2022 йилда 25,3 трлн сўм, 2023 йилда эса 32,9 трлн сўмга етган.

Туризм тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2019 йилда 4,6 % бўлган. 2020 йилда бу кўрсаткич 3,8 % гача пасайган, аммо кейинги йилларда изчил ўсиб, 2023 йилда 5,5 % ни ташкил этган. Бу ҳолат туризмнинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши тобора ортиб, стратегик тармоқ сифатида шаклланиб бораётганини кўрсатади.



1-расм. Туризмдан тушган даромад (млрд. АҚШ доллари)

1-расмдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, 2016–2019 йиллар давомида Ўзбекистонда туризмдан тушган даромад изчил ўсиш трендида бўлган. 2016 йилда 1,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этган даромад 2019 йилда 2,3 млрд. АҚШ долларига етган. Бу давр мамлакатда туризм инфратузилмасини ривожлантириш, хорижий сайёҳлар оқимини кенгайтириш ва туризм хизматлари турларини диверсификация қилиш билан изоҳланади.

Бироқ 2020 йилда пандемия таъсирида кўрсаткич кескин пасайиб, атиги 0,8 млрд. доллар даражасига тушиб кетган. Бу ўша даврда чегараларнинг ёпилиши, авиақатновларнинг чекланиши ва туристик хизматлардан фойдаланиш имкониятларининг қисқариши билан боғлиқ.

2021 йилдан бошлаб босқичма-босқич тикланиш жараёни кузатилган ва 1 млрд. долларга етган. Кейинги йилларда эса туризм соҳаси жадал тикланиб, 2022 йилда 1,8 млрд. доллар, 2023 йилда 2,3 млрд. доллар, 2024 йилда эса 2,5 млрд. доллардан ошган.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда туристик-рекреацион ресурслардан самарали фойдаланиш даражаси туризм соҳасининг иқтисодий самарадорлиги ва мамлакат ЯИМдаги улушига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Жумладан, 2020 йилда пандемия сабаб туристик фирмалар ва ташкилотлар сони кескин камайди, хизмат кўрсатилган туристлар оқими пасайди ва инфратузилма объектлари фаолияти чекланди. Бу ҳолат натижасида туризм тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2019 йилдаги 4,6 %дан 2020 йилда 3,8 %га тушиб кетди. Ушбу кўрсаткич ресурслардан самарали фойдаланишнинг камайиши иқтисодий самарадорликка салбий таъсир кўрсатганини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, 2022–2023 йилларда туризм инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар самара берди: меҳмонхоналар ва жамоавий жойлаштириш воситалари сони ортиб борди, туристлар оқими тикланди. Бу жараён натижасида туризм тармоқларининг мамлакат иқтисодиётидаги улуши 2023 йилда 5,5 %га етди, яъни пандемиядан олдинги кўрсаткичдан ҳам юқори даражага кўтарилди.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистонда туристик-рекреацион ресурслардан самарали фойдаланиш масаласи туризм соҳасининг барқарор ривожланиши ва миллий иқтисодиётдаги улушини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. 2019–2024 йиллар статистик маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, пандемия йилларида туризм кўрсаткичлари кескин пасайган бўлса-да, кейинги даврда инфратузилма кенгайиши, туристик хизматлар диверсификацияси ва давлат сиёсатининг қўллаб-қувватлаши ҳисобига туризм тармоғи изчил тикланиш йўлига қайтди.

Туристлик фирмалар сонининг кўпайиши, хизмат кўрсатилган туристлар оқимининг ортгани ва жамоавий жойлаштириш воситалари сонининг кўпаяётгани соҳадаги ислохотлар самарасини кўрсатади. Туризмдан тушган валют тушумлари 2020 йилда кескин пасайиб кетган бўлса, 2022–2024 йилларда қайта тикланиб ўсиш тенденциясини намоён қилди. Туризм тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг ЯИМдаги улуши ҳам 2019 йилдаги 4,6 фоиздан 2023 йилда 5,5 фоизга кўтарилгани туризмнинг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти ортиб бораётганини тасдиқлайди.

Шу тариқа, тадқиқот саволида қўйилган гипотеза эмпирик маълумотлар билан исботланди: туристик-рекреацион ресурслардан самарали фойдаланиш туризм соҳасининг иқтисодий самарадорлигини ошириб, мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улушини кўпайтиради.

Туристлик-рекреацион ресурсларнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш учун улардан комплекс ва тизимли тарзда фойдаланиш механизмларини йўлга қўйиш зарур. Шу билан бирга, туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш, хусусан меҳмонхоналар, хостеллар, йўллар ва транспорт хизматларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ички туризмни рағбатлантириш йўналишида маҳаллий аҳоли учун махсус чегирмалар, туристик пакетлар ва инфратузилмадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Туристлик хизматлар диверсификациясини таъминлаш мақсадида экологик туризм, агротуризм ва маданий меросга асосланган туризм йўналишларини ривожлантириш зарур.

Шунингдек, туризм соҳасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва нуфузли меҳмонхона брендларини мамлакатга олиб кириш хизматлар сифатини оширишга хизмат қилади. Барқарор туризм концепциясини амалиётга кенг жорий этиш, табиий ва маданий ресурсларни асраб-авайлашни иқтисодий самарадорлик билан уйғунлаштириш туризмнинг узоқ муддатли ривожланиши учун асос бўлади.

Бундан ташқари, туризм соҳасига оид маълумотларнинг очиқ ва ишончли статистик базасини шакллантириш, илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш ва соҳани илмий асосда бошқариш имкониятларини яратиш тавсия этилади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Butler, R. (1999). *The concept of a tourist area cycle of evolution: Implications for management of resources. Canadian Geographer*, 24(1), 5–12.

Hall, C. M., & Page, S. (2014). *The Geography of Tourism and Recreation: Environment, Place and Space*. London: Routledge.

UNWTO. (2022). *International Tourism Highlights*. Madrid: World Tourism Organization.

Абдурахмонов, А. (2020). Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантиришда табиий ресурслардан самарали фойдаланиш. *Иқтисодиёт ва инновациялар*, №2, 45–52.

Рахмонов, Б. (2021). Туризм инфратузилмасини модернизация қилишнинг замонавий йўналишлари. *Туризм ва маркетинг*, №3, 66–74.

Холиқов, А. (2022). Туризмда кластерли ёндашув: ташкилий-иқтисодий механизмлар. *Ўзбекистон иқтисодий тадқиқотлар журналы*, №1, 101–110.